



# ИШОНЧ

ЎЗБЕКИСТОН КАСАБА УЮШМАЛАРИ ФЕДЕРАЦИЯСИ ГАЗЕТАСИ

2002 йил 4 декабр, чоршанба №191 (1408)

СЕШАНБА, ЧОРШАНБА, ЖУМА ВА ШАҒБА КУНЛАРИ ЧИҚАДИ

Республика Вазирлар Маҳкамасининг "Пилани қайта ишлаш корхоналарини техник жиҳатдан қайта жиҳозлаш тўғрисида"ги қарорига мувофиқ "Булоқ-боши ипаги" акциядорлик жамиятига Жанубий Кореядан ускуналарнинг дастлабки туркуми келтирила бошланди. Мазкур ускуналар пилани қайта ишлаш бўйича янги ишлаб чиқариш линияларини жиҳозлашда қўлла-нилади. Муҳандислик коммуникациялари, ишлаб чи-қариш майдонлари тайёрланди. Шунингдек, кадр-ларни қайта тайёрлаш амалга оширилди. Жами танархи 1 миллион 375 минг АҚШ долла-ри миқдорда бўлган замонавий ускуналар 2001 йил-нинг биринчи чорагидаёқ экспортга мўлжалланган ипак маҳсулотларини ишлаб чиқаришга имкон бера-ди. Бундан ташқари, корхонада 500 га яқин янги иш ўринлари очилади.

"Туркистон-пресс"

## Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОНИ

### ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ КОНСТИТУЦИЯСИ ҚАБУЛ ҚИЛИНГАНЛИГИНИНГ ЎН ЙИЛЛИГИ МУНОСАБАТИ БИЛАН АМНИСТИЯ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганлигининг ўн йиллиги муносабати билан инсонпарварлик тамойилига амал қилиб, Ўзбекистон Республикаси Конституцияси 93-моддасининг 20-бандига асосан,

#### қ а р о р қ и л а м а н:

1. Қуйидаги маҳумлар жазодан озод қилинсин:
  - а) аёллар; б) вояга етмаган ёшида жиноят содир этган шахслар; в) биринчи ва иккинчи гуруҳ ногиронлари; г) 60 ёшдан ошган эркаклар; д) биринчи марта судланган чет эл фуқаролари; е) эҳтиётсизлик орқасида жиноят содир этган шахслар.
  2. Биринчи марта уч йилдан ортиқ бўлмаган муддатга озодликдан маҳрум этишга ёки озодликдан маҳрум этиш билан боғлиқ бўлмаган жазоларга ҳукм қилинган шахслар жазодан озод қилинсин.
  3. Иқтисодиёт ва ҳўжалик фаолияти соҳасида жиноятлар содир этиб, биринчи марта судланган, етказилган зарарни қоплаган шахслар жазодан озод қилинсин.
  4. Экстремистик ташкилотлар фаолиятидаги иштироки, улар таркибиде Ўзбекистон Республикасининг конституциявий тузумига қарши жиноятлар ёки жамоат хавфсизлигига қарши бошқа қилмишлар содир этганлиги учун ўн йилдан ортиқ бўлмаган муддатга озодликдан маҳрум этишга ёки озодликдан маҳрум этиш билан боғлиқ бўлмаган жазоларга биринчи марта судланган шахслар жазодан озод қилинсин.
  5. Ушбу Фармоннинг 1-моддасида қайд этилган шахслар томонидан содир этилган жиноятлар, шунингдек ижтимоий хавфи катта бўлмаган жиноятлар юзасидан олиб борилаётган тергов ишлари ва судда қўрилмаган ишлар тугатилсин.
  6. Мазкур Фармонга асосан жазодан озод қилинмайдиган шахслар жазо муддатининг ўталмаган қисми қуйидагича қисқартирилсин:
    - а) қасддан содир этган жинояти учун ўн йилдан ортиқ бўлмаган муддатга озодликдан маҳрум қилинганларга - тўртдан бир қисмига;
    - б) қасддан содир этган жинояти учун ўн йилдан ортиқ муддатга озодликдан маҳрум қилинганларга - бешдан бир қисмига.
    7. Татбиқ этилмасин:
      - а) мазкур Фармон - ўта хавfli рeцидивистларга, жазони ўташ тартибини мунтазам равишда бузайтган маҳумларга ҳамда муқаддам афв этиш ёки амнистия тартибиде жазодан озод этилган ва яна қасддан жиноят содир этган шахсларга нисбатан;
      - б) мазкур Фармоннинг 1-моддаси - қасддан одам ўлдириш (Жиноят кодексининг 97-моддаси) жиноятини содир этган шахсларга;
      - в) мазкур Фармоннинг 1-3, 5-моддалари - экстремистик ташкилотлар фаолиятидаги иштироки, улар таркибиде Ўзбекистон Республикасининг конституциявий тузумига қарши жиноятлар ёки жамоат хавфсизлигига қарши бошқа қилмишлар содир этган шахсларга.
      8. Мазкур Фармоннинг 4 ва 6-моддалари Жиноят кодексининг 150-163, 242, 244, 244-1, 244-2-моддаларида кўрсатилган жиноятларни содир этганлиги учун ҳукм қилиниб, тузалиш йўлига қатъий ўтган шахсларга нисбатан фақат жазони ижро этиш муассасасининг маъмурияти томонидан уларнинг ўз қилмишидан амалда пўшаймон бўлганлиги тасдиқланган ҳоллардагина қўлланилиши белгилансин.
      9. Фармон эълон қилинган кундан қура киради ва уч ой мобайнида ижро этилиши лозим.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг И.КАРИМОВ  
Тошкент шаҳри,  
2002 йил 3 декабр



Навоийликлар Абдуҳаким Бахроновни «меҳаник ака» дея ҳурмат қилишади. Негаки унинг жамоада ўз ўрни бор. Олий ўқув юртини тамомлаши биланок, Навоий шаҳридаги 23-автосарой қошида ташкил этилган «Турон» очик турдаги акциядорлик жамиятида навбатчи меҳаник сифатида фаолиятини бошлаган Абдуҳаким аканинг сидқидилдан ишга ёндашиши бу ерда жуда қўл келди. Унга ишини қизиқарлилиги, айниқса, жамоанинг аҳиллиги ўз касбага бўлган меҳрини янада орттирди.

С.ЗУФАРОВ (ЎЗА) олган сурат.

## КОМИССИЯ ЙИГИЛИШИ

Олий Мажлис ҳузуридаги Ўзбекистондан четга олиб кетилган ва халқ бойлиги бўлган архив ҳужжатларини қайтариб олиб келиш бўйича махсус комиссиянинг йиғилиши бўлиб ўтди. Комиссия раиси Н.Иброҳимов бошқарган ушбу йиғилишда Россия архивлари, илмий-маърифий ва маданий-маънавий муассасаларида сақланаётган Ватанимизга оид ҳужжатларни ўрганиш, уларнинг энг муҳимларини аниқлаш ҳамда мамлакатимизга олиб келишга оид ишлар муҳокама қилинди.

Таъкидланганидек, кейинги вақтда комиссия ўз фаолиятини сезиларли даражада фаоллаштиргани туфайли халқимиз ва Ватанимиз тарихи, маданияти ва маънавиятига оид бир қанча муҳим манбалар, ҳужжатлар, тасвирий санъат асарлари юртимизга қайтариб олиб келинмоқда.

Йиғилишда Камолдин Бехзоднинг Санкт-Петербург шаҳридаги Салтиков-Шчедрин кутубхонасида сақланаётган асарлардан нусхалар олиб келинишга муваффақ бўлигани қайд этилди. Келтирилган бундай санъат асарлари Ўзбекистон Бадий академиясининг Камолдин Бехзод номидаги миниатора санъати музейига топширилди.

(ЎЗА).

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИДА

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисида «Ўзбекистонда демократлаштириш жараёнини ривожлантиришга кўмаклашиш» лойиҳаси бўйича ТАСИС дастури доирасида Олий Мажлиснинг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (Омбудсман) билан ҳамкорликда «Омбудсман институтининг икки палатали парламент шароитида фаолияти ва унинг Ўзбекистонда фуқаролик жамияти асосларини ривожлантиришдаги ўрни» мавзусида анжуман бўлиб ўтди.

Анжуманда Швециянинг Омбудсман парламенти департаменти бошлиғи Т.Манинен Омбудсман институтлари фаолиятининг хорижий амалиёти тўғрисида сўзга чиқди. Олий Мажлиснинг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили С.Рашидова Ўзбекистонда Омбудсман фаолиятининг бугунги ҳолати ва истикболлари тўғрисида ахборот берди.

Анжуманда ялпи ва шўба мажлислари ҳам бўлиб ўтди.

Шўбалар мажлисида янги тахрирдаги «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили тўғрисида»ги қонун лойиҳасига концептуал ёндашув, Омбудсманнинг минтақавий вакили тўғрисидаги янги низом лойиҳаси, Омбудсманнинг икки палатали парламент шароитидаги фаолиятининг ҳуқуқий асослари, Омбудсманнинг Ўзбекистон Республикасининг суд ва ҳуқуқни ҳимоя қилиш органлари билан ўзаро ҳамжиҳатлиги каби масалалар муҳокама этилди.

Тадбир давомида муайян қарорлар, тавсиялар ва таклифлар ишлаб чиқилди. Анжуманда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси раиси ўринбосари Б.Ўзоров сўзга чиқди.

(ЎЗА).

## Жамоа шартномалари қандай бажарилмоқда?

Бўз пахта тозалаш хиссадорлик жамияти тумандаги етакчи саноат корхоналаридан биридир. Фаолият кўрсата бошлаганига 30 йилдан ортиқ вақт бўлган бу меҳнат даргоҳида жорий йилда 22 минг тоннадан зиёд пахта қайта ишланиб, истеъмолчиларга етказиб берилаётир.

## ИЧКИ НАФАҚА

Тайёрланаётган маҳсулотлар АҚШ, Франция, Англия, Россия, Украина каби давлатларга жўнатилаётган. Бошқача айтганда, ҳозиргача 500 тоннага яқин маҳсулот экспорт қилинди. Хорижий ҳамкорлар билан алоқалар йўлга қўйилгани ўзининг ижобий самарасини бермоқда. Ҳууссан, у корхона моддий таъминотини яхшилашда муҳим омил бўлаётди. Ҳозирда меҳнат даргоҳида ўртача ойлик маош 36 минг сўмдан зиёд бўлиб, ўз вақтида бериб борилмоқда. Бундан ташқари, корхонада бепул тушлик ташкил этилган. Ишчи-ҳодимларнинг ишга бориб келишлари учун автоулов беминнат хизмат кўрсатилмоқда. Хиссадорлик жамияти қошида дам олиш хоналари, тиббий пункт, сартарошхона, сауна, спорт тўғараклари мунтазам ишлаб турибди.

Катъий назорат қилинмоқда. Кам таъминланган оилаларга моддий ёрдам кўрсатиш, меҳнатни рағбатлантириш, янги иш ўринлари яратиш, ишчилар ва уларнинг фарзандларини соғломлаштириш, иш ҳақини вақтида тўлашни масалалари умумий йиғилиш ва цех бошланғич ташкилотларида қўриб чиқилмоқда. Ҳар бир байрамда меҳнат фахрийлари, ногирон ва боқувчисини йўқотган оилалар қўлидан хабар олинади. Жамоа ходимлари ўртасида мусобақалар ўтказилиб, голибларга касба уюшмаси ва маъмурият томонидан қимматбахо эсдалик совғалари топширилади. Завод қошидаги ёрдамчи хўжалиқда етиштирилган гўш маҳсулоти арзонлаштирилган баҳода тарқатилади.

Қарияларни қадрлаш йили муносабати билан ўтказилган тадбирда 74 нафар меҳнат ва уруш фахрийси иштирок этди. Уларга маъмурият томонидан алоҳида иззат-икром кўрсатилиб, моддий ва маънавий қўллаб-қувватланди. Меҳнат даргоҳида Мустақиллик байрами зўр тантана билан ўтказилди. Корхонанинг барча ишчи-ҳодимлари, меҳнат фахрийлари байрам дастурхонига таклиф этилиб, мод-

ларга 15 минг сўмдан моддий кўмак ажратилди. Корхонанинг 30 йиллигига бағишлаб ҳодимлар ўртасида спортнинг бокс, футбол, теннис, тош қўтариш, арқон тортиш каби турлари бўйича мусобақалар ўтказилди. Хиссадорлик жамияти тумандаги 22-ўрта мактабни ўз оталиғига олган. Қурилиш-таъмирлаш, ўқитувчиларга моддий ва маънавий кўмак бериш борасида ҳам қўллаб-қувватлаш қилинмоқда. Ногиронлар кунини муносабати билан боқувчисини йўқотган оилалар, ишлаб чиқариш ногиронлари қолдан хабар олинди, моддий ва маънавий ёрдам кўрсатилди. Ногирон-ишчиларни ижтимоий ҳимоялаш, уларнинг ўқисик дилларига қувонч бахш этиш маъмуриятнинг диққат эътиборида. Уларга керакли шарт-шароитлар яратилиб, энгил иш билан таъминланган. Маъмурият ва касба уюшма кўмитаси билан ҳамкорликда тасдиқланган жамоа шартномасида кўзда тутилган келишувга асосан ишлаб чиқаришда боқувчисини йўқотган ва ногиронларга жорий йилнинг 10 ойи давомида 285 минг сўмга яқин ички нафақа тўланди.

О.ЭРГАШЕВ, «Ишонч» мухбири.

## Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганлигининг ўн йиллиги муносабати билан амнистия тўғрисида»ги Фармониغا ШАРҲ

Умумхалқ байрам - мустақил давлатимиз Конституцияси қабул қилинганлигининг ўн йиллиги арафасида Ўзбекистон Республикаси Президентининг томонидан амнистия тўғрисидаги Фармон қабул қилинди. Фармон озодликдан маҳрум этилганларнинг деярли барча тоифаларини қамраб олган. Амнистияни қўллаш натижасида биринчи навбатда вояга етмаган ёшлар, ижтимоий хавфи катта бўлмаган ёки эҳтиётсизлик оқибатида жиноят содир этган шахслар озод этиладилар. Қарияларни қадрлаш йили деб эълон қилинган йилда қабул қилинган Фармон 60 ёшга тўлган шахсларга, шунингдек аёлларга ўз оилаларига қайтишлари имконият яратади. Қонунларимизни бузиб, ўта оғир бўлмаган жиноят содир қилган чет эл фуқаролари ҳам ўз ватанларига тинч меҳнат билан шугулланишлари учун қайтадилар. Бундай шахсларга нисбатан ҳали дастлабки

ва суд тергови яқунланмаган жиноят ишлари ҳам тугатилди. Иқтисодиёт соҳасида, ҳўжалик юритиш жаҳасида содир этган жиноятлари учун биринчи марта судланиб, етказилган зарарни қоплаган, шунингдек озодликдан маҳрум қилиш билан боғлиқ бўлмаган жазоларга ҳукм этилган шахсларни озод этилиши ҳам назарда тутилган. Турли сабабларга қўра, авваломбор ўзларининг савиясизлиги, билими ва тажрибаси етишмаслиги оқибатида ўз олдида конституциявий тизимни ағдартишни мақсад қилиб қўйган экстремистик радикал диний гуруҳларнинг домига тушган шахслар ҳам озод этилади. Бу биринчи навбатда ўз қилмишларининг қанчалик оғирлигини ҳис қилиб, содир этган жиноятларидан чин кўнгилдан пўшаймон бўлганларга тааллуқлидир. Озод қилинаётган шахсларнинг яқин қариндошлари,

шунингдек турар жойларидаги маҳаллалар аҳли томонидан зарур эътибор, уларнинг ҳаётда ўз ўринларини топишдаги иштироки шубҳасиз муҳим аҳамият касб этади. Юқорида қайд этилганлар қаторида жазодан озод қилинмайдиган маҳумларнинг ўталмай қолган жазо муддатларини сезиларли даражада қисқартириш ҳам кўзда тутилган. Бундай чора таъсирига тушувчилар жазо ўтайтган маҳумларнинг ярмидан ортинини ташкил қилади. Инсонпарварлик, бағрикенглик, кечиримлик каби фазилатларга асосланган Фармон жаҳон демократик ҳуқуқ яратиш тажрибаси ва ўзбек миллий анъаналарини уйғунлаштирган. Бу мамлакатимизда суд-ҳуқуқ ислохотларини босқичма-босқич ўтказилаётганлигининг, ижтимоий ҳаётнинг барча соҳаларини эркинлаштириш жараёни мутаносиб амалга оширилаётганлигининг яна бир далилидир.

## БУНИ ОМАД ДЕЙДИЛАР

Фойдаланилмай ётган 100 гектар майдонда деҳқончилик қилиш фикрини билдирганимизда айримлар бизга ажабланиб қарашди. Хўжалик эрдай олманган ерда булар нима қаромат кўрсатишарди, дейишди ҳам. Аммо мақсадимизни тўри тушушга тўман ҳўкими бизни қўллаб-қувватлади. «Туркистон» ширкат ҳўжалиги худудидан қолган 100 гектар ер ажра-

ди. Қишлоқ ҳўжалигининг бўлғуси ҳодимлари нималарга қодирликларини кўрсатишди. Ғўза агротехникаси талабларига қатъий амал қилинди. Натижада мўл ҳўсил етиштирилди. Ҳўсилни парваришлаш, йиғиб-тегириб олишда Д. Тошбекова, Н. Исмоилова, Д.Иброҳимова сингари

ўқувчилар, Ф.Маҳаматов, Т.Аҳадов, Ҳ.Кенжаев каби ўқитувчилар ибрат кўрсатишди. Жами 131 тонна пахта топширилиб, шартнома мажбурияти бажарилди. Н.ИБРОҲИМОВ, Пайриқ қишлоқ ҳўжалик касб-ҳўнара коллежи директори.

## ИШ ҲАҚИ

нега кечикмоқда? Маълумки, амалдаги меҳнат қонунчилигига мувофиқ меҳнатга ҳақ тўлаш муддатлари жамоа шартномасида ёки бошқа норматив ҳужжатда белгиланиб, ҳар ярим ойда бир мартадан кам бўлмаган ҳолда берилиши лозим.

Ҳуқуқимизнинг «Иш ҳақи ўз вақтида тўланиши»га доир қўшимча чоралар тадбирлар тўғрисида» қабул қилган қарори ҳам фуқароларнинг конституциявий ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлаш, мулкчилик шаклидан қатъий назар корхоналар ва ташкилотлар ҳодимларига маош ўз вақтида ва тўлиқ тўлашни учун ҳўжалик юритувчи субъектларнинг жавобгарлигини оширишга қаратилган. Шунга қарамадан ҳодимларга ойлик иш ҳақлари ўз вақтида тўлан-

маслик ҳоллари Жиззах вилоятидаги корхоналарда ўтказилди. Шунингдек, «Лукма» учрамоқда. Ана шундайлар сирасига Жиззах шаҳридаги «20-автобус саройи» хиссадорлик жамияти раҳбарларига нисбатан юқоридаги фуқаролар манфаатини қўллаб-қувватлаш мақсади билан Жиззах шаҳар ва туманлараро фуқаролик ишлари бўйича судга даъво аризаси киритди. Ҳўлайимизи, ушбу даъво аризаси ўзининг ҳолисона ечимини топади. Яқинда шундай кишининг бир гуруҳи Жиззах шаҳар прокуратурасига мурожаат этишди. Утқа-

зилган текширишда мазкур автокорхона ҳодимлари Гулнара Норқўзиёва, Абдуназар Эгамбердиев, Абдусамат Наврўзов, Файзимурод Мусурмоновга иш ҳақи ўз вақтида тўланмаганлиги аниқланди. Шаҳар прокуратураси жавобгар - «20-автобус саройи» хиссадорлик жамияти раҳбарларига нисбатан юқоридаги фуқаролар манфаатини қўллаб-қувватлаш мақсади билан Жиззах шаҳар ва туманлараро фуқаролик ишлари бўйича судга даъво аризаси киритди. Ҳўлайимизи, ушбу даъво аризаси ўзининг ҳолисона ечимини топади.

Абдуманноп АЗИМОВ, «Ишонч» мухбири.

## «ТўРТКЎЛ СУПЕРМАРКЕТИ»

Яқинда Тўрткўл туманида аҳоли хизмати учун «Тўрткўл супермаркети» фойдаланишга топширилди. «Тўрткўл Баракат» хиссадорлик жамиятига қарашли бўлган янги савдо маркази ана шундай ном билан атала бошланди. Бу ўз навбатида аҳолига савдо хизмати кўрсатишда ўзига хос қулайликлар яратди. Эътиборли томони шундаки, туманда бир неча йиллардан бери фаолият кўрсатмай турган савдо мажмуи биноси қайта таъмирланиб, шарқона усулда сайқал берилди. Б.ЭРНАФАСОВ, «Ишонч» мухбири.

Бош Қомусимиз яшамоқда, амал қилмоқда

1 КОНСТИТУЦИЯ ВА МУСТАҚИЛ ТАШҚИ СИЁСАТ

Мамлакатимизнинг ташқи сиёсий фаолиятида давлат мустақиллиги муҳим аҳамиятга эга бўлиб, сиёсий ва иқтисодий эркинлик, суверенитет ва хавфсизликни мустаҳкамлаш ҳамда ижтимоий ва иқтисодий муаммоларни ҳал қилишда муҳим омил бўлиб хизмат қилади.



ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНING КОНСТИТУЦИЯСИ

энг муҳим ютуқлардан бири – мамлакатимизнинг халқаро ҳамжамиятининг тенг ҳуқуқли ва тўлақонли аъзоси бўлганидир. Ўзбекистон халқаро ҳуқуқ субъекти сифатида ўтган давр мобайнида дунёнинг кўплаб давлатлари билан дипломатик муносабатларни самарали йўлга қўйди.

Ташқи сиёсат маълум бир давлатнинг ўз мамлакат чегараларидан ташқарида, халқаро ҳаётда иштирок этиш асосида амалга оширадиган соҳасидир. Ҳар бир мамлакат бошқа давлатлар билан турли муносабатларда бўлади. Бундай сиёсий мулоқот муроसाга эришиш ва ўзаро мақбул қоидаларни белгилаш учун бир-бирини тушунишда, ўзаро манфаатларини келишиб олишда уларга кўмак беради.

Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, бошқа давлатлар билан ўзаро муносабатлардаги ўз ҳуқуқ ва бурчларини ташқаридан бундан ташқари тазйиқсиз амалга оширишга қодир бўлган мустақил давлатгина халқаро муносабатларда суверен давлат, халқаро муносабатлар субъекти сифатида иш қўради дейилган.

Мамлакатимизнинг ҳақон ҳамжамиятига интеграциялашувда БМТ, Европа Иттифоқи, Европада Хавфсизлик ва Ҳамкорлик Ташкилоти (ЕХТ) каби нуфузли халқаро ташкилотлар билан амалий ҳамкорлиги алоҳида ўрин тутди. Ўзбекистоннинг Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги (МДХ) ҳамда Марказий Осиё минтақаси мамлакатлари билан икки томонлама ва кўп томонлама алоқалари ҳам ишчил ва ўзаро манфаатли асосларда ривожланмоқда.

Қобилбек КАРИМБЕКОВ, сиёсий шарҳловчи.

«Қашқадарё матлуботсавдо» компанияси бошқарув кенгаши раиси Уктам Қурбонов жамоа шартномаси ижросига бағишланган йиғилишда Қарши шаҳридаги «Меҳрибонлик уйи»ни оталикка олиш таклифи билан чиқди. Касабақўм раис фикрини қўллаб-қувватлади.

Мана неча йилдирки, «Меҳрибонлик уйи» тарбияланувчилари матлуботчилар эътиборида. Тарбия масканини таъмирлаш, жиҳозлаш, дарсликлар, ўқув қуроллари олиб бериш каби тадбирларга ўн миллион сўмликдан зиёд маблағ сарфланди. Ҳар йили «Наврўз» байрамида катта шодибна ўтказилиб, ўғил-қизлар кўнгли хушнуд этилади.

6,5 мингдан ортиқ аъзоларни бирлаштирган кўмитамиз ва унинг жойлардаги бошланғич ташкилотлари иш услубини такомиллаштириш касаба уюшмасининг

Маъмурият ва касаба уюшмаларининг ходимларга қулай иш шароити яратиш бериш, уларни ижтимоий муҳофазалаш борасида ҳамкорликда иш юритиши муваффақиятлар омили ҳисобланади.

И. ҲАСАНОВ олган сурат.

Савоб ишни ҳар ким, ҳар куни қилиши керак

«Қашқадарё озиқовқат-таъминот» ташкилотларида хавфсиз меҳнат шароитларини таъминлашда маъмурият ва касаба уюшма ҳамкорлиги, ходимларнинг ҳуқуқ ва манфаатлари ҳимояси бўйича олиб борилган тажрибалар умумлаштирилди.

«Шарбатсавдо», «Қашқадарёсавдо», «Қарши-гўштсавдо» каби касаба уюшма ташкилотларида катта тажриба тўпланган. Вазирлар Маҳкамасининг «Иш ҳақи ўз вақтида тўланишига доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарори асосида маошларнинг берилиши қатъий назоратга олинган. 45 та корхонада ҳомиладор аёлларга қўшимча таътиллар жорий этилган. 200 нафардан ортиқ нафақахўрга 1 миллион сўмдан зиёд

моддий ёрдам кўрсатилди. 219 нафар ходимга рағбатлантириш жағвармасидан устама мукофотлар берилди. Меҳнатқиларнинг ариза ва шикоятлари доимий эътиборда. Масалан, ўтаётган йил давомида кўмитага фуқаролардан битта ёзма ва 20 та оғзаки мурожаатнома тушди. Ушбу хатлар кўриб чиқилиб, меҳнатқилар талаби вақтида қондирилди.

Исमत БОЗОРОВ, Қашқадарё вилоят савдо, умумий овқатланиш, матлубот кооперацияси ва тадбиркорликнинг турли шакллари ходимлари касаба уюшма кўмитаси раиси.

ЕТИМНИНГ БОШИНИ СИЛАСАНГ

омма орасидаги нуфузини оширишда. Йиғилишларда иш ҳақи тўлаши, меҳнатни муҳофазалаш, ходимларнинг ижтимоий-иқтисодий манфаатлари ҳимоясига доир масалалар кўриб чиқилиб, ишни яхшилашга қаратилган тадбирлар белгиланди.

Тармоқ кўмитаси ҳузурида икки томонлама тузилган битимларнинг бажарилишини назорат қилиб боровчи комиссия тузилган бўлиб, амалга оширилган ишлар чуқур

таҳлил этилмоқда. Айтиш мумкинки, жамоа шартномалари тузиш ва уни тўлақонли амалга ошириш борасида



Суратда: туман таълим ва фан ходимлари касаба уюшма кўмитаси раиси Икром Комилов (чапдан биринчи) халқ таълими бўлими мудири Ҳабибулло Зайниддинов ва кадрлар бўлими назоратчиси Рустамхон Исмоиловлар билан навбатдаги режалар хусусида фикр алмашмоқда.

ЭНГ ИШОНЧЛИ ҲАМКОР

Хусусий тадбиркорликни ривожлантириш, кичик ва ўрта бизнеснинг иқтисодийдаги ролини оширишда тижорат банкларининг фаолияти алоҳида аҳамият касб эттиши ҳеч ким учун сир эмас.

Жумладан, Акционерлик – тижорат «Пахтабанк»нинг Гулбаҳор бўлими ташкил этилган кундан бошлаб кичик бизнес субъектлари – яқка тартибдаги тадбиркорлар, хусусий фирма ва корхоналар, деҳқон-фермер хўжалиқларига талаб даражасида хизмат кўрсатиш ва уларнинг энг ишончли ҳамкорига айланиш учун барча имкониятни ишга солмоқда. Бугунги кунга келиб банк бўлими турли соҳаларда фаолият юритаётган 450 дан ортиқ мижозга хизмат қилаётган бўлса, хусусий мулк эгаларига кредит ажратиш миқдори йил

сайин ошиб бормоқда. Биргина жорий йилнинг ўтган 10 ойи мобайнида жами 73 миллион 500 минг сўм микрокредит берилди. Бундан ташқари бўлимда Вазирлар Маҳкамасининг «Аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож қатламларини аниқ йўналтирилган тарзда қўллаб-қувватлашнинг 2002–2003 йилларга мўлжалланган Дастурини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорининг бажарилиши юзасини ҳисобга олиб берилган ишлардан бир мисол ҳоло.

Шуни алоҳида таъкидлаб ўтиш жоизки, банк фаолияти такомиллаш бораётгани сайин мижозлар сони ҳам кўпаймоқда. Бу эса ўз навбатида бўлим ходимларининг хизмат вазифасига бўлган масъулиятини оширапти.

БАНДЛИК МУАММОСИ ҲАЛ ЭТИЛМОҚДА

Избоскан тумани Пойтуғ ширкат хўжалигининг хувиллаб ётган қилбда пойабзал, бошқа халқ истеъмоли моллари тикиш цехи ташкил этилди. Бу ерда 50 нафар ёш доимий ишга эга бўлди. Цех очиш ташаббуси билан чиққан Пойтуғ шахри ҳокимлиги аҳоли бандлиги, ёшларнинг дам олишини ташкил этиш, ҳуқуқбузарликларнинг олдини олишга катта эътибор қаратмоқда. Агар йил бошида шаҳарда 104 та ишсиз рўйхатга олинган бўлса, ўтган даврда уларнинг ҳаммаси иш билан таъминланди.

КЕКСАЛАРГА ЭЪТИБОР

Мамлакатимизда Қарияларни кадрлаш йили Давлат дастури изчил амалга оширилмоқда. Бу хайрли ишга нодавлат нотижорат ташкилотлари ҳам ўз хиссасини қўшапти. Ўзбекистон Қизил Ярим Ой жамияти Миллий Кенгашининг матбуот хизматидан Ўза муҳаббига маълум қилишарица, ташкилотнинг «Меҳр-шафқат» хизмати кўнгиллилари жойларда 1400 нафар ёлғиз қарияга ижтимоий хизмат кўрсатяпти. Улар кўмаги билан кексалар уй ишлари, бозор-ўчар ташвишларидан фориг бўлди. (ЎЗА).

Ғожеа билан туғанган бу воқеа пахта йиғим-терими авжига чиққан паллада юз берди. «Найман» пахта қабул қилиш пунктида иш қизғин давом этарди. Бошқа транспорт воситалари каби Поп туманидаги «Истиклол-2» фермер хўжалигига қарашли пахта юклаган тиркамали трактор ҳам дарвозадан кириб келди. Пахта ни тушириш ва расмийлаштиришда кўмаклашадиган одамлар одатда ҳайдовчи кабинасида ўтириш лозим бўлсада, бунда уч йигит тиркамага юклаган пахта тепасидан жой олишганди.

Трактор пахта бўшатилиши кўрсатилган бунт ёнига яқинлашганда тиркама тепасидаги йигитлардан бири Хайрулла Умаров ерга сакради ва трактор гилдирраги остига тушди. Иккинчи кўнгилсиз воқеа шу йилнинг 22 август кунига тўғри келди. Вилоят йўл ҳаракати хавфсизлиги бошқармаси биносида таъмирлаш ишларини олиб бораётган Аркадий Когон бу ишга уста Шухрат Холмирозавени ҳам жалб этганди. Иккаласи тўртинчи қаватнинг ташқарисидан, 13 метр баландликда юмуш билан банд эдилар. Қултирмаганда йигитлар ўрнашган махсус мослама тутқичдан чиқиб кетди. Оқибатда улар касалхонада вафот этдилар.

Кўнгилсизлик сабабчиси - Лоқайдлик

Яна бир ғожеани олиб қарайлик. Наманган йўллардан мунтазам фойдаланиш бошқармаси бош муҳандиси Игор Ли ва ҳайдовчи Латифжон Расулловлар Чуст туманининг Олмос қишлоғида яшовчи фуқаро Мирзаали Мансуров бошқараётган «КАМАЗ» русумли автомашина билан тўқнашувни оқибатда ҳаётдан кўз юмди.

Хўш, юқоридаги кўнгилсизликларнинг юз бериши боиси нимада? Нега ўн гулидан бир гули очилмаган йигитлар бу дунёни тарк эттишди? – Шу йилнинг ўтган ўн ойи мобайнида юқоридаги сингари оқибати ўлим билан туғанган 13 та бахт-

Меҳнат муҳофазаси

ётир. Масалан, ишчилар ва муҳандис-техник ходимлар ўртасида меҳнатни муҳофазат қилиш юзасидан етарли даражада тушунтириш ишлари олиб борилмайд.

қўзғатилди. Иккинчи кунги ғожеага А. Когон айбдор. Меҳнат хавфсизлиги талаблари унутилган. Аслида 13 метр баландликда

Махсус иш кийимлари, шахсий ҳимоя воситалари таъминотида ҳам узил-кесил бўлиб турибди. Ҳатто, айрим раҳбар ходимларнинг ўзлари ҳам меҳнат муҳофазаси юзасидан етарли тушунчага эга эмас.

Мисол учун юқоридаги «Истиклол-2» фермер хўжалиги раҳбари А.Йигиталиевнинг ўзи меҳнат хавфсизлиги қоидаларини дурустроқ билмайд.

Махсус ҳимоя воситаларидан фойдаланиш, яъни ишчи алоҳида камар билан маҳкамлашиб олиши шарт бўлгани ҳолда, бу талаб унутилган. Оқибатда фалокат юз берган. Шуни алоҳида таъкидлаш зарурки, айрим хўжалик ва ташкилот раҳбарлари меҳнат хавфсизлигига оид ашёларни сотиб олиш ёки шунга тааллуқли тадбирлар ўтказишга кетадиган арзимас харажатлардан қочиб юз минглаб, баъзан эса миллион сўмлаб маблағ сарфлашга мажбур бўладилар.

«Ишонч» фойда

ЎЗ ФОЙДАСИГА АДАШГАНЛАР

Солиқлар – иқтисодий таъминотнинг асосий шарт. Биз тўлаётган солиқ мамлакатимиз сарҳадларини мустаҳкамлаш, ижтимоий ҳимояга муҳтож кишилар турмушини яхшилаш, фарзандларимизнинг бахтли бўлиб ўсишини таъминлаш, юртимизни обод, гўзал масканга айлантиришга хизмат қилади. Шу боис ҳар бир фуқаро уни ўз вақтида тўлаши шарт.

Афсуски, айрим фуқароларимиз олаётган даромадларини яшириб, солиқ тўлашдан буйин товлашга интиладилар. Масалан, туман прокуратураси ҳузуридаги Солиққа оид жиноятларга қарши курашиш бўлими ходимлари томонидан «Сергейкури-лишсервис» фирмасида солиқ қонунчилиги бузилганлиги фойда этилди. Текширув давомида фирма раҳбари С.Митрофанов 2001 йил иш фаолияти даврида 459 281.8 минг сўмликдан зиёд товар айланмасини яширганлиги, 274 255.1 минг сўмлик арокчино махсусотларни савдосидан тушган нақд пулларни банкка инкассация қилмаганлиги аниқланди. Суриштирув ва тергов жараёнида фирма томонидан 19 104 минг сўм қўшимча солиқлар ҳисобланиб, шундан давлат бюджетига 18 507.9 минг сўми ундирилди. Ушбу ҳолат юзасидан С.Митрофановга 3 37.2 минг сўм жарима билан «сийланди».

Солиқни яшириш баъзан ўз фойдасига адашган мансабдор раҳбарлар томонидан содир этилаётганлиги эса ташвишли ҳолдир. Бўлимимиз томонидан «Мирас» хусусий фирмасида текширув ўтказилганда унинг раҳбари Е.Бобожонов ўтган йил давомида 2178.0 минг сўм йўл фонди ва 1016.6 минг сўм нафақа фонди бўйича мажбурий тўловларни тўлашдан буйин товлаганлиги маълум бўлди. Ушбу ҳолат юзасидан фирма раҳбарига нисбатан 1715.0 минг сўм жарима қўлланилди. Бундай салбий ҳолатлар айрим фуқароларнинг қонун талабларини яхши билмаслиги ёки била туриб нафс йўлида, мўмай даромад топиш илжинида қонунбузарлик кўчасига кириши оқибатида содир этилмоқда. Шу боис уларнинг ҳуқуқий билим савиясини ошириш, қонунчилик руҳида тарбиялаш чора-тадбирларини кучайтиришимиз лозим. Зеро, солиқларни ўз вақтида тўлаш, даромадларни яширмаслик, мулкни ҳар қандай кўринишдан қатъи назар дахлсизлигини таъминлаш барчамизнинг бурчимиздир.

А. ХУДОЙКУЛОВ, Шайхонтоҳур туман прокуратураси ҳузуридаги Солиққа оид жиноятларга қарши курашиш бўлими бошлиғи.

# ФАРҒОНА ВИЛОЯТИ КАСАБА УЮШМАЛАРИ КЕНГАШИ

Барча юртдошларимизни

## ЎЗБЕКИСТОН КОНСТИТУЦИЯСИНИНГ 10 ЙИЛЛИГИ БАЙРАМИ

*билан самимий муборакбод этади*



Муборак юртимизни  
гуллаб-яшнатиш  
йўлидаги саъй-  
ҳаракатингиз ҳамиша  
бароридан келсин!

**Омад, бахту саодат  
ҳамиша ёр бўлсин!**



